

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ
ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

Қишлоқ хўжалигини механизациялаш

Факультети

Жовлиев Ойбек Шайдуллаевич

**Мавзу: Қўмқўрғон туманидаги Якка тут муқобил МТП да қишлоқ
хўжалик техникаларини сақлашни ташкил этиш**

Раҳбар: “МТПФ ва ТС” кафедраси доценти

Фармонов Э.Т.

ТОШКЕНТ – 2013

Кириш	5
1.МТПнинг умумий таснифи.....	
2.Қишлоқ хўжалиги машиналарини сақлашни умумий қоидалари (Адабиётлар таҳлили)	
2.1 Қишлоқ хўжалиги машиналарини сақлаш даврида уларнинг деталларини коррозион емирилиши.....	
3. Қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришнинг ҳисоблаш-технологик харитасини ишлаб чиқиш.....	
4. Машиналарни сақлашни ташкиллаштириш ва сақлаш технологияси.....	6.
Машина ховлисининг иқтисодий кўрсаткичлари.....	
6.Қумқўрғон туманидаги Якка тут ММТПда Ҳайёт фаолияти хавсизлиги бўйича чора-тадбирлар.....	
7.Қумқўрғон туманидаги Якка тут ММТПда экология ва атроф мухит муҳофазаси бўйича чора-тадбирлар.....	
Хулоса.....	
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Республикамиз Президенти И. А. Каримовнинг «Жаҳон молиявий – иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» ва «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» асарлари ҳамда 2010 йилдаги мамлакатимизни ижтимоий – иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил январ ойида бўлиб ўтган мажлисдаги маърузасида кўрсатиб ўтилганидек мамлакатимиз халқ хўжалигининг барча соҳалари, шу жумладан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши учун ҳам ҳозирги даврдаги энг муҳим вазифа энергия ва ресурслардан оқилона фойдаланиш, уларнинг тежайдиган технология ва техника воситаларини ишлаб чиқиш ҳамда жорий этишдан иборат[1,2].

Ҳозирги вақтда фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг энг самарали ҳаётнинг узи тасдиқлаб бермоқда. Юртимизда фермер хўжаликларини моддий-техник таъминлаш ва молиялаш бўйича бозор иқтисодий таъминотларига тула жавоб берадиган шакилли тузим ёв механизмлар ва муваерфакйятли фаолият курсатмоқда.

Ҳар йили фермер хўжаликларини куллаб- куватлаш учун ката микдорда моддий ресурс ва маблағлар ажратилмоқда. Қишлоқ хўжалик техникаларини купчилиги ишларнинг тор ислохатларини ва мавсумий булгани учун йил давомида киска вақтни умумий вақтни 10-15% микдори фойдаланилади. Тракторлар куп вақт ишлайди. Лекин трактор хосил йил давомида узок вақт ишлатилмай туради. Машиналар нотугри сакланганда уларни таъйи еймирилиши каррозия, чириш ва бошка турдаги шикастланиш ва бузилишлар анча тезлашади. Машиналар тугри сакланганда улар дудуст хонада сакланади, шикастланмайди ва бузилмайди. Эксплуатация даврива техник сервис ва тамирлашда механик ва маблағ- сарфларининг кискиришига ёрдам беради.

Республикамиз қишлоқ хўжалигида тузилиши жиҳатидан мураккаб бўлган юқори замонавий техникалар кенг қўлланилмоқда. Бу техникаларни узлуксиз иш билан таъминлаш учун ММТПда ўз вақтида хар хил технологик процесларни бошқарилишини ташкил қилинади, техник хизмат кўрсатилади, ремонт ва қишлоқ хўжалиги техникаларини сақлаш билан

таъминланади. Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик техникаларини эҳтиёт қисмлар ва хилозлар билан таъминлаш асосий масала бўлиб қолди. Шу муносабат билан хўжаликларда муқобил МТП тузиш масаласига кенг эътибор қаралмоқда. Чунки бундай муқобил МТП дан фойдаланиш хўжалик юритишнинг янги формаларини очиб берадиши мумкин. Хўжаликда ўз миқдорида трактор автомобиллар, комбайнлар, мураккаб ҚХМ лари ишлатилади. Буларни ишлатгандан кейин сақлашга қўйиш ва Т.С.Х кўрсатиш бўйича бир қанча ишлар амалга оширилади. Бу шу билан характерланадики ММТПнинг ўзида ҳар хил турдаги ТСХ кўрсатиш ва сақлаш турлари ремонт ишларини бажарилиши махсус устахоналарга транспорт машиналари ёрдамида бажарилиши мумкин. Қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда ишлатиладиган машиналар технологик хариталар асосида танланади. Бу технологик транспорт ишлари технологик жараёнлар билан бевосита боғлиқ бўлгани учун технологик транспорт ишлари номи билан аталади. Ушбу битирув малакавий ишимда “ Яқка тут ” муқобил МТП да техникаларни сақлашга қирадиган операциялари ҳамда турли хил хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ боғлиқ бўлган операциялар ишлаб чиқилган. “ Яқка тут ” муқобил МТП учун техникаларни сақлашни ташкиллаштириш ва улардан самарали фойдаланиш имкониятларини кўрсатишдан иборат.

1. ММТП нинг қисқача тавсифи.

Ўзбекистон Республикаси Сурхондарё вилояти Қумқўрғон туманидаги Якка тут муқобил МТП жойлашган машина трактор парки вилоят марказидан 30 км масофадаги узоқликда жойлашган МТПни ғарбий томонида Беш қахрамон шимолий томонида Сайхон жанубий шарқий томонида Ўзбекистон фуқаролар йиғинига қарашли ҳудудлар билан чегарадошдир. Якка тут муқобил МТП хизмат кўрсатадиганг умумий ер майдони 2600 гектарни ташкил этади, шундан 1300 га ер майдонига пахта, 1100 га ер майдонига эса буғдой, майдонига турли қишлоқ хўжалиги экинлари ва меваги дарахтлар экилган. Об – ҳавоси ёзда +35 ва 41 даражага иссиқ, қишда эса -6 -18 даражага пасаяди. “ Сурхон ” ММТП 1995 йилда ташкил топган. Ҳозирги кунда ММТПда жами бўлиб 37 та қишлоқ хўжалиги техникалари мавжуд. ММТП характеристикасининг таҳлили шуни кўрсатадики, ММТП дла турли хил маркадаги умумий фойдаланиш тракторлари ТТЗ -80.10, ТТЗ-80.11 ва бошқа қишлоқ хўжалиги техникалари мавжуд. ММТП нинг таркиби 1- жадвалда келтирилган.

1.1 жадвал

№	Номи	Маркаси	Сони
	Жами тракторлар сони		27
	- Шу жумладан	МТЗ – 80	3
		Т-28Х;М	2
		ДТ – 75	1
2	Қ/Х машиналари		
	- шу жумладан		
	культиватор	КХУ – 4	2
	Сеялкалар	СХУ – 4А	4
	Плуглар		6
	Чизель	ЧКУ - 4	2
	Дон комбайни	Case - 2188	4
	Хайдов тракторлар	Магнум	6
3	Автомобиллар		

	Мотоцикл	Минск	1
	Енгил автомобил	Ваз - 2106	1
	Юк автомобили	Зил - 130	1

Қишлоқ хўжалиги машиналарини ишлаш муддати ҳисобга олиб
борилмайди, бунинг оқибатида ММТПдаги техникалардан фойдаланиш
даражаси яхши деб бўлмайди. ММТПда қишлоқ хўжалиги техникаларини
сақлашда ГОСТ талабларига риоя қилинмайди. Якка тут ММТПда қишлоқ
хўжалиги техникаларини сақлашни туғри ташкил этиш билан улардан узоқ
муддат самарали фойдалани имкониятини беради. Мен бажарган битирув
малакавий ишимда Якка тут ММТПДА техникаларни ГОСТ талабларига кўра
ташкил этиш бўйича аниқ тавсиялар ишлаб чиқдим. Бу тавсияларимни албатта
ўзим бориб ишлайдиган ММТПда қўллайман. Шулар билан бирга ММТП
ишини туғри ташкиллаштириш ва улардан фойдаланиш, МТП га керакли
ЁММ лари сарфини ва уларни сақлаш каби ишларни ташкиллаштиришни ҳам
туғри йўлга қўйиш керак деб ҳисоблайман.

2. Қишлоқ хўжалиги машиналарини сақлашни умумий қоидалари. (Адабиётлар таҳлили)

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг техника билан қуролланганлиги даражасини ошириш ва мустахкамлаш механизациялаштирилган ишларни бажариш вақтини қисқартирилишига олиб келади. Бу эса ўз вақтида қхм лардан йил давомида фойдаланиш вақтини қисқартиради. Масалан сеялкалар, культиваторлар ва бошқа махсус машиналар йил давомида 150- 350 соат ишлайди. Бу кўрсаткич умумий йиллик календарь вақтининг 100 % озирогини ташкил этади. Трактор ва ўзи юрар шасилар йил давомида бундан кўпроқ ишлайди. Агар машиналар очик жойда сақланса, уларнинг узел ва деталлари турли ёғингарчиликлар ва иссиқ хаво таъсирида коррозияланади резина буюмларнинг эластиклиги йўқолади қор таъсирида машиналар рамасининг бўёқлари кўчиб тушади. Коррозияланган деталлар 2 марта тезроқ ейилади, машиналарнинг хизмат муддати 30 – 40 % га камаяди. Ёнилғи аппаратларнинг плунжерли жуфтлари, двигатель цилиндрларининг гильзалари, жаткаларнинг қирқувчи аппаратлари, плуг лемехлари ёмон сақланганда бир йил давомида ишлатишга яроқсиз ҳолатга келиши мумкин. Шу сабабли қишлоқ хўжалиги техникаларини сақлашни ёмон ташкил қилинганда хўжаликлар катта моддий зарар кўришлари мумкин. Ишдан бўшаган машиналарни сақлаш халқ хўжалигининг муҳим муаммоси ҳисобланади. ГОСТ 7751 – 85 қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган техника сақлаш қоидалари талабларга риоя қилиш қишлоқ хўжалиги машиналарини тўғри сақлашга ёрдам беради.

Техникани сақлаш. Машиналар ёпиқ , очик жойларда сақланади. Лекин машиналарни қай аҳволда сақланиши ММТП нинг моддий имкониятларига боғлиқ.

Ёпиқ жойда сақлаш деганда машиналарни барча ҳоналар гаражларда сақлаш кўзда тутилган. Бунда машиналар атмосфера таъсирида яхши сақланади, бундан ташқари машиналарни сақлашга доир қатор операцияларни бажаришга эҳтиёж қолмайди. Машиналарни сақлашга қўйишдан олдин уларни тозалаб ювиш лозим ва айрим деталлар ечиб олинади. Очик жойда сақланадиган машиналар занглаш олдини олишда улар бўялади, химоя қисмларига суриш керак бўлган суртмалар сурилади, ёки ёпқичлар билан ёпиб

қўйилади. Машиналарни сақлаш муддати 1 кундан 2 ойгача давом этса қисқа, 2 ойдан ортиқ бўлганда узоқ муддатли сақлаш дейилади. Машиналарни сақлашга қўйиўда меҳнатни ташкил қилишнинг қисман ва тўлиқ ихтисослаштирилган вариантлардан фойдаланилади. Сақлаш даврида техниканинг ҳолати ҳар ойда бир маротаба текширилади. Машиналарни узоқ муддат сақлашга тайёрлаш ишлар тугаллангач (марказлаштирилган сақлашда), кечи билан ўн кун ичида машиналар бириктирилган шахслар томонидан расмийлаштирилади.

қишлоқ хўжалик
НОМИ

вазифаси корхонасининг
имзо
20__й.

А К Т

Машина сақлашга қўйиш тўғрисида № “-----” -----20 й.

Биз, қуйида имзо чекувчилар, ушбу актни шу ҳақда туздики

(вазифаси, ими шарфи отасини исми имзо)

Сақлашга жавобгар -----

(вазифаси, ими шарфи отасини исми имзо)

қабул қилди

(машинанинг маркаси, инвентар номери ва унинг техникавий ҳолати)

(юради, ремонтталаб, яроқсизг чиқарилади)

асосий узел ва деталлар характеристикаси

алмаштирилиши ЛОЗИМ НОМИ	қуйидагилар талаб этилади		эслатма
	ремонт	Техник хизмат кўрсатиш	

2.1 Қишлоқ хўжалиги машиналарини сақлаш даврида уларнинг деталларини коррозиядан емирилиши.

Плуг, сеялка, культиваторлар, диски борона ва бошқа қишлоқ хўжалиги машиналари сақлаш даврида техник талабларга жавоб бермайдиган ҳолда консервацияланганлиги сабабли уларнинг юзалари оксидланиб, зарар билан қопланади.

Деталлардаги емирилишлар нам билан бирга актив электохимиявий муҳит коррозия учун энг муқобил шароитни яратади. Биринчи навбатда коррозияланган юзаларни емирилади. . Айирим ҳолатда бўёқни химояловчи пленкаси шикастланганда коррозия бўлганда сақлаш қоидалари бузилганлиги сабабли юзага келади. Қишлоқ хўжалиги машиналарнинг остки қисмлари ҳам худди шу турдаги коррозиядан емирилади. Баъзи бир деталларнинг емирилиши рухсат этилиши ўлчамларидан ошса у ҳолда чуқурлашиб боради . Агарда трактор ғилдиракли резина шиналарига мойлаш материаллари таъсир қилганда уларда юмшоқлашиб қолиш ва бошқа ҳолатлар юзага келади. Худди шу сабабли сақлашга яхши тайёрланган резина шиналар, резина тасмалар, гидрошланглар, ишга яроқсиз ҳолга келиб қолиши мумкин. Сақлаш қоидаларини қўпол равишда бузиш натижасида пневматик шиналарнинг фойдаланиш муддати бир йил ичида 10..15% га камаяди. Ҳавонинг кескин ошиб бориши натижасида резина маҳсулотидан тайёрланган материал ва деталлар ёрилиб уларда ёриқлар пайдо бўлиши ва мустаҳкамлиги йўқотилиши ҳоллари кузатилади. Ёғочдан тайёрланган деталларнинг яроқсиз ҳолатга келишининг асосий сабаби уларнинг емирилишидир. Бази бир пружиналар ростлаш механизмлари ва машина йиғма қисмлари узоқ муддатга сақлашга қўйилганда пружиналар бўшашмаса уларнинг биқирлигини йўқотиш ҳоллари кузатилади. Шундай қилиб машиналарни тўғри сақлаш катта аҳамиятга эгадир. Машиналарни фойдаланиш муддатларини оширади, ТХК ва ремонт учун сарф харажатларни камайтиради, ҳамда машиналарнинг ишлаб чиқариш унумдорлигини ва бузилмасдан ишлашини таъминлайди. Шу

сабабли қишлоқ хўжалиги машиналарини тўғри сақлашни ташкиллаштириш катта аҳамиятга эгадир.

3. Қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришнинг ҳисоблаш-технологик харитасини ишлаб чиқиш.

3.1 Қишлоқ хўжалиги экинлари етиштириш ҳисоблаш-технологик харитаси пахта экиладиган минтақаларда ҳар бир экиладиган экин тури бўйича (пахта, беда, маккажўхори ва бошқалар) ишлаб чиқилади.

Ҳисоблаш-технологик харитасини ишлаб чиқиладиганда илғор хўжаликларда қўлланиладиган саноат ва интенсив технологиядан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир, ҳамда қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришнинг намунали (типовой) технологик харитасидан (5-6) фойдаланиш лозим. Бундан албатта маҳаллий шароитларда ҳисобига олган ҳолда юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариб, кам меҳнат сарфлашга ҳаракат қилиш керак. Намунали технологик хариталарда машина-трактор паркини таркибини асослаш учун бир қатор кўрсаткичлар етишмайди. Шунинг учун ҳам босқич лойиҳасида экинларнинг ҳар бир тури учун ҳисоблаш технологик харитаси ишлаб чиқилади.

9. Агрегатнинг кунлик иш унумдорлиги (W_k) Ҳисоблаш-технологик харита қуйидаги устунлардан иборатдир:

1. Бажариладиган ишларнинг рўйхати (рақами)
2. Қишлоқ хўжалиги ишларининг номи ва рўйхати
3. Қишлоқ хўжалиги ишларининг сифат кўрсаткичи 
4. Тракторнинг, ўзи юрар шассисининг ва автомашинанинг маркази
5. Қишлоқ хўжалиги машинасининг, тиркагичнинг маркази ва битта агрегатдаги сони
6. Агрегатга хизмат кўрсатувчи кишилар сони (м), киши
7. Иш ҳажмини физик ўлчов бирлиги ($\text{га}, \text{м}, \text{м}^3, \text{км}$ ва $\text{ш}, \text{у}$)
8. Агрегатнинг бир соатлик иши унумдорлиги (W_e)

10. Иш куни давомийлиги (T_n), соат
 11. Иш бажариладиган тахминий календарь муддати (D_k).
 12. Иш кунлари сони (D_n).
 13. Агротехник иш бажариладиган майдон юзаси (b), %
 14. Агрегатнинг агротехника муддатида бажарган иш миқдори (W_o)
 15. Физик ўлчов бирликларида ишнинг ҳажми (I_f).
 16. Талаб қилинадиган тракторлар сони (M_t)
 17. Талаб қилинадиган қишлоқ хўжалиги машиналари сони (M_{qxh})
 18. Ёнилғи сарфи (q), кг/га.
 19. Ҳар бир операциядаги ишнинг ҳаммаси (I)ни бажариш учун ёнилғи сарфи (Q_i), кг
 20. Кунлик ёнилғи сарфи (Q), кг.
 21. Кўрсатилган маркадаги тракторнинг шартли эталон гектар (ш.э.га) ҳисобидаги бир соатда бажарган иш ҳажми ($W_{нэ}$) $\frac{ш.э.га}{соат}$
 22. Ишни бажаришга сарфланган соатлар сони (T), соат
 23. Ишлар ҳажми ($I_{ш.э.га}$) ш.э.га.
 24. Меҳнат сарфи (Z_m), киши/соат/га
 25. Ишламайдиган кишиларга бўлган ҳар кунлик талаб (Z_k), киши.
- Ҳисоблаш-технологик хаританинг устунларини тўлдириш тартиби.

1- устун-бажариладиган ишнинг рақами (рўйхати) намунали (типовой), истиқболи (перспектив) технологик харитага мувофиқ, операцияларни бажариш тартиби бўйича қўйилади. Барча экинларнинг тури бўйича бошдан охиригача бир тартибда рақамланади (рўйхатга олинади). Бу тракторларни ишлатиш графигида операциялар рўйхати (рақами)ни белгилаш учун қулай бўлади. 2-устун-Қишлоқ хўжалиги ишларининг номи ва рўйхати намунали технологик харитадан ёки хўжаликнинг технологик харитасидан қабул қилинади. Ҳисоблаш-технологик харитасида аввало пахта, кейин беда ва маккажухори учун ишлаш тавсия этилади. 3-устун-Ҳар бир қишлоқ хўжалиги

ишга тегишли агротехника-талаблари (сифат курсаткичлари) кўрсатилади ерга ишлов бериш чуқурлиги, ўриш баландлиги, уруг экиш ва ўғит сепиш меъёри, юкларни ташиш оралиги ва бошқа кўрсаткичлар. Сифат кўрсаткичлари маълумотномалардан, хужалик ёки намунали технологик харитадан олинади. 4 ва 5 устун – машина –трактор агрегатини тегишли хужаликнинг шароитида мошлашган, юқори сифатли ва бажарадиган иш бирлигига нисбатан кам меҳнат сарфлайдиган таркиби қабул қилинади. Машина –трактор агрегатини танлашда дала найкалининг ўлчамлари, хўжаликнинг ишлаб чиқариш оператсиясининг хоссаси назарда тутилади. Машина-трактор агрегатини танлашда юқори тезликда ишлайдиган, қуввати юқори, оммавий тарзда ишлаб чиқариладиган машиналар афзал кўрилиши лозим. Тракторларнинг маркасини (хилларини) мумкин қадар кам қабул қилиш лозим, лекин барча ишларни бажара оладиган бўлсин. Тракторларнинг маркаси босқич лойихасининг вазифасида ҳам берилиши ҳам мумкин. Тракторлар ва қишлоқ хўжалиги машиналари ўзаро асосий предметлари ва иш кўрсаткичлари билан мослашган бўлиши керак. Масалан қабул қилинган экин, қатор оралиғига трактор класс, ғилдиракларининг оралиғи, сеялка, культиваторнинг қамраш кенглиги мослашган бўлиши шарт.

Ҳар бир қишлоқ хўжалиги экинлари ёки маҳсулотларини етиштириши учун узаро асосий технологик ва энергетик кўрсаткичлари бўйича мослашган, берилган минтақа учун белгиланган машиналар ва тракторлар комплекси танлаб олинади.

Агрегатдаги машинанинг маркаси ва сони механизациялаштирилган дала ишларининг операцион технологиясида баён этилган ёки маълумотнома материалларида келтирилган тавсияларга кўра қабул қилинади. Буни ҳисоблаб чиқилиши ҳам мумкин. Ишлаб чиқариш шароитига албатта натижа текширилади. Трактор ва қишлоқ хўжалиги машиналарининг маркаси одатда қишлоқ хўжалиги экинлари етиштиришни комплекс механизациялаштириш машиналар тизимидаги таясияномалардан қабул қилинади.

6- устун- агрегатга хизмат кўрсатувчи қисмлар сони (м), танланган агрегатларга танланган агрегатларга , машиналарга ва қабул қилинган агрегатларга хизмат қилиш схемасига мувофиқ аниқланади. Одамда агрегатларга хизмат қилувчи кишилар сони намунали технологик харитада келтирилган бўлади.

7- устун-шуларнинг турига қараб бажариладиган ишларнинг ўлчов бирликлари (га,т,м³,км) келтирилади.

8-9-устун агрегатнинг бир соатлик иш вақтида (W_e) ва бир иш кунда (W_k) бажарган иш миқдори.Агарда босқич лойихаси аниқ хўжалик мисолида бажарилса ва хўжалик техник асосланган иш меъёри асосида ишлашга ўтган бўлса W_e ва W_k қийматлари хўжаликнинг маълумотидан қабул қилинади. W_k ва W_e нинг қиймати иш шароитини ва қабул қилинган агрегатни ҳисобга олган ҳолда маълумотномалардан қабул қилинади. Агарда босқич лойихаси якка вазифа асосида бажарилса, W_e ва W_k нинг қиймати намунали харитадан қабул қилиниши мумкин.

10-устун иш куни давомийлиги (T_k) бажариладиган ишнинг хоссасини назарда тутган ҳолда, хўжаликда қабул қилинган иш куни режимига асосан қабул қилинади.Иш куни давомийлиги 7,10,14,21 соатга тенг бўлиши мумкин. Захарли кимёвий моддалар билан ишлаганда T_k 4 соатгача камайтиради. T_k нинг тахминий қиймати намунали технологик хариталарида /5/ ҳам келтирилган.

11-12 устун Иш бажариладиган тахминий календарь муддати D_k ва иш кунлари D_i аниқ хўжаликнинг ёки ноҳиядаги илғор хўжаликнинг кўп йиллик тажрибаси асосида, об-ҳаво шароитларини ҳисобга олган ҳолда қабул қилинади.Намунали истиқболли технологик жараён картанинг маълумотлари /5:16/ асосида қабул қилиниши ҳам мумкин.

13-устун Агротехник иш бажариладиган майдон юзаси (б) %, хўжаликнинг иш шароитларини ҳисобга олиб ёки технологик харита тавсиясига мувофиқ қабул қилинади.

14-устун агрегатнинг агротехника муддатини бажарган иш миқдори (W_a) қуйидаги формула асосида аниқланади:

$$W_a = W_c \cdot T_i \cdot D_m,$$

Бу ерда W_c- агрегатнинг бир соат иш вақтида бажарган иши (бир соатлик иш унумдорлиги), га/соат, т/соат, м³/соат, км/соат ва ш.у.(8 устун);

T_a-Иш куни давомийлиги, соат (10 устун)

D_i – Иш кунлари сони (12 устун)

15 устун –физик ўлчов бирликлардаги ишнинг ҳажми (Иф) қуйидагича аниқланади:

а) ўлчов бирлиги гектарлар (га) да бўлганда.

$$I_{\phi} = F_i \frac{\alpha}{100},$$

б) ўлчов бирлиги Т, м³, км да бўлганда

$$I_{\phi} = F_i \frac{\alpha}{100} \cdot \beta, \text{ бу ерда } F_i\text{- берилган экин трини экиш майдани; га;}$$

в ва б нинг қиймати ўз навбатида 3 ва 13 чи устунларда берилган в нинг қиймати ўз навбатида ўлчов бирлиги т/га, м³/га, км/га, ларда берилиши мумкин.

16 устун- талаб қилинадиган тракторлар сони (М_т) қуйидаги формула билан ҳисобланади.

$$M_T = \frac{U\phi}{W_a}$$

M_T нинг қиймати вергулдан кейин биринчи белгигача бўлган аниқликда қабул қилинади.

17 устун- Талаб қилинадиган қишлоқ хўжалиги машиналар сони (M_{KXM}) бир агрегат билан ишлайдиган машиналар сонини (P_{KXM}) тракторлар сони (M_T) га кўпайтмасига тенг.

$$M_{KXM} = M_T \cdot P_{KXM}$$

Агарда қишлоқ хўжалиги машиналари учун уларни ишлатиш графиги тузилмаса M_T нинг қиймати бутун сон қилиб олинади.

18 устун –Иш бирлигига нисбатан ёнилғи сарфининг (q), кг/га.

Агарда хўжаликда ёнилғи сарфининг техник асосланган меъёрига ўтилган бўлса хўжаликдан қабул қилинади. Айрим ҳолларда эса хўжаликнинг шароитини, ишлатиладиган агрегатларни ҳисобга олган ҳолда маълумотномалардан қабул қилинади.

Агарда “ q ” меъёрий белгиланмаган бўлса, (агрегат янги бўлганда), қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланади.

$$q = \frac{Q_{\text{ён}} \cdot K_T}{W_c}$$

Бу ерда $Q_{\text{ён}}$ - двигатель номинал қувватда ишлаганда соатлик ёнилғи сарфи (кг/соат):

$Q_{\text{ён}}$ нинг қиймати жадвалдан қабул қилинади.

K_m - двигательнинг тўлиқ бўлмаган юкланиш (нагрузка) билан ишлагандаги ва салт юриши ва агрегатнинг тўхтаб тургандаги бекорчи ёнилғи сарфини ҳисобга олувчи коэффициент. K_T нинг қиймати жадвалдан қабул қилинган.

19 устун-Операциялар (ишнинг турлари бўйича) ишнинг ҳаммасини бажариш учун ёнилғи сарфи (Q_u)кг. Q_u қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$Q_u = q \cdot F_i \frac{\alpha}{100}$$

q – кг/м³, кг/т, кг/км ўлчами бирлигида бўлса

$$Q_u = q \cdot U_\phi$$

20-устун –Кунлик каландарь кунга ёнилғи сарфи (Q_k) кг/кун қуйидаги формула ёрдамида аниқланади.

$$Q_k = \frac{Q_u}{D_k}$$

21.устун – шартли эталон гектар (ш.э.га) ҳисобида бир соатда тегишли маркадаги тракторнинг бажарган иш миқдори ($W_{нэ}$) ш.э.га/соат.

22-устун –Ишни бажаришга сарфланган соатлар сони (T),соат қуйидагича ҳисобланади:

$$T = \frac{U_\phi}{W_c}$$

23 устун-шартли эталон гектар (ш.э.га) ҳисобидаги ишнинг ҳажми қуйидаги формула билан аниқланади. $U_{ш.э.га} = T \cdot W_{нэ}$

24 устун-Меҳнат сарфи (3 м) киши соат/га, қуйидагича топилади

$$Z_m = \frac{m \cdot \alpha}{100 \cdot W_c} \cdot \beta$$

25 устун- Ишлайдиган кишиларга кунлик талаб (Z_m) киши қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланади.

$$Z = \frac{U_{\phi} \cdot m}{W_c \cdot T_{cm} \cdot D_u};$$

T_{cm} -смена вақтида соат $T_{cm} = 7$ соат; зарарли ишлар учун $T_{cm} = 4$ соат;

Босқич лойихасининг ҳисоблаш тушунтириш қисмида уч- тўртта ишнинг турига, яхшиси ҳар хил ўлчов бирлигида (га,м,м³,км/да) берилган бўлсин технологик харитадаги 15.....25 устунлардаги кўрсаткичларни ҳисоблашга мисол келтирилса етарли.Қолган ишлар шу тарзда ҳисобланиб, натижаси технологик харитада келтирилади.

Технологик харитани компьютерларда махсус бир иловада берилган дастур асосида ҳисобланади.

Технологик хаританинг ҳаммасини ҳисоблаб топилади. Қи нинг йиғиндиси экин турлари ва хўжалик бўйича, Т ва Иш.э.га ларнинг йиғиндиси экин турлари, трактор маркалари ва хўжалик бўйича 3м нинг қиймати эса экин турлари бўйича жамланади.

3.2 Тракторни ишлатиш графигини тузиш.

Ҳар бироперация бўйича керакли агрегатларнинг сони ҳисоблаб чиқилгандан кейин, МТП ни ташкил этувчи тракторларнинг ялпи сонини ҳисоблаб топиш керак. Агрегатларнинг ялпи сонини технологик харитадан топиш қийин, чунки улар бирга қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда ишлатилади ва иш муддатлари тўғри келмай қолади. Шунинг учун ҳам тракторларнинг ва мураккаб машиналарнинг умумий хўжаликдаги миқдори граифк (чизма) усулда аниқланади. Граифк ҳар бир маркали тракторлар учун алоҳида тўғри бурчакли координат ўқларида бажарилади. Ҳар бир операцияни бажариш учун горизонтал ўқда масштабда календарь кунлар Ди (11 устун) вертикал ўққа тракторлар сони катта Мт (16 устун) қуйилади. Графикда тўртбурчак шаклида трактор- кунлар ҳосил бўлади. Графикда ҳар бир операция учун, технологик харитадаги рақами қуйилади.Бир неча

операцияларнинг календарь муддати мос келиб қолса, уларни қуйиб, бирининг устига кейингиси қуйилади. Пахта, беда ва маккажўхор етиштиришда ишлатиладиган Т-ИА маркали тракторлар учун фойдаланишни графигини куришга мисол тариқасида келтирилган.

3.3. Тракторни ишлатиш графигига тузатиш киритиш. (корректировка қилиш)

График қурилганда тракторларнинг йил давомида нотекис ишлаши натижасида чуққилар ва пастликлар ҳосил бўлади. Бу тракторларнинг умумий талаб қилинадиган миқдорини қабул қилишда ноқулайлик туғдиради.

Тракторлар керагидан ортиқча қабул қилиниб қолиниши мумкин. Шунинг учун граифк куриш давомида унга тузатишлар киритилади.

Тузатиш киритиш қуйидаги усулларда бажарилади:

- 1) Белгиланган агротехника муддатини ўзгартирмасдан, трактор (машина)лар сони ўзгартирилади (берилган марка тракторлари орасида иш ҳажми қайта тақсимланади). Бу усул зичлаш усули дейилади.
- 2) Берилган маркадаги трактор бажарадиган ишнинг бир қисмини, бошқа иккинчи маркадаги тракторга берилади, агарда иккинчи маркадаги трактор шу муддатда жуда банд бўлмаса ва ишни бажара олса.

Графикларга уларнинг календарь муддати (Дк)ни узайтириш йўли билан тузатиш киритиш ман этилади, чунки агротехника талаби бузилади. Одатда технологик хариталарда Дк нинг энг катта қиймати олинган бўлади.

Биринчи усулининг мазмуни қуйидаги мисолда кўрсатилган. Асосий графикда аввало энг катта календарь муддатга эга бўлган ишлар қуйилади. Ҳисобга кўра биринчи муддатдаги ишни бажариш учун $M_1=3$ трактор, иккинчи муддатдаги ишларга эса $M_1=2$ трактор талаб этилади.

Расмдан кўриниб турибдики 15.05 дан 15.06 муддатида шу иккита ишлардаги ишни бажариш учун ҳаммаси бўлиб $M_1=5$ трактор талаб этилади. 5 та тракторнинг ҳаммасини дарҳол қабул қилиш мақсадга мувофиқ эмас, чунки йил давомида тракторларнинг бир қисми бекорга туриб қолиши мумкин.

Шунинг учун биринчи турдаги ишларни бажариш учун олдинги 15 кунда $M_1=3$ трактор ажратмасдан $M_1=4$ трактор ажратилса ва 1.06 дан бошлаб биринчи ишлардан 2 та тракторни олиб иккинчи ишларга ўтказилса, уҳолда шу иккита ишни бажариш учун 5 эмас балки $M_1=4$ та трактор етарли бўлади. Бунда ишни бажарилишнинг агротехник муддати бузилмайди.

Биринчи ишни бажариш учун зарур бўлган қишлоқ хўжалиги машиналарининг сони ортади. Қишлоқ хўжалик машиналарининг нархи тракторларда қараганда анча кам. МТП умумий нархи камаяди.

Буни бажариш техникаси қуйидагича: зияланадиган бўлимдаги графикларнинг умумий майдони ҳисобланиб, уни зичланадиган ишнинг календарь муддати (D_1) га бўлинади. Натижада олинган ордината ўқининг баландлиги зичлангандан кейинги қабул қилинган трактор сони

$$M_n \text{ ни беради: } M_4 = \frac{M_1 D_1 + M_2 D_2}{D_1}$$

Графикни тузатиш жараёнидаги барча ўзгартиришлар технологик харитага киритилади.

3.4 Тракторнинг ишлатиладиган (эксплуатацион) ва инвентарь сонларни аниқлаш.

Тракторларни ишлатиш гарфигини кўриб, унга тузатишлар киритилгандан сўнг, унга энг кўп талаб этиладиган муддатларида тракторларнинг ишлаётган (эксплуатацион) миқдори M_3 аниқланади. Тракторнинг инвентарь сони M_n қуйидагича аниқланади

$$M_n = \frac{M_{\Sigma}}{K_{T.T}}$$

Бу ерда $K_{T.T}$ - техник тайёргарлик коэффиценти (0,90....0,95).

3.5 Қишлоқ хўжалиги машиналарига бўлган талабни асослаш.

Талаб қилинадиган қишлоқ хўжалиги машиналари сони технологик харитасидан ва машиналарни ишлатиш графигидан аниқланади. Қишлоқ хўжалиги машиналари сонин аниқлаш учун ҳисоблаш технологик харитасининг (харита 1) куйидаги учтунлари асос бўла олади:

2 устун-ишлар сони

11 устун- ишларни бажариш тахминий календарь муддати (Дк)

15 устун-ишлар ҳажми (Иф)

17 устун- талаб қилинадиган қишлоқ хўжалиги машиналари сони ($M_{qxм}$).

Йил давомида бир марта ишлатиладиган махсус машина (чигит экадиган сеялка, ғўза шохларини чилпийдиган машина, силос ўриб йиғадиган ва маккажўхори ўриб йиғадиган комбайнлар тегишли қишлоқ хўжалиги ишларини бажариш учун ҳисоблаш натижаларига мувофиқ қабул қилинади). (1 харита).

Йил давомида бир нечта ишларида қўлланадиган умумий ишларни бажарувчи машина (плуг, қатор ораларига ишлов берувчи культиватор), муддати таққосланади. Технологик харитадан уларнинг календарь муддатлари бир даврга тўғри келса талаб қилинадиган операциядаги (муддатдаги) машиналар сони қабул қилинади. Энг қулай усул қишлоқ хўжалиги машиналарини ишлатиш, техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш режа-графигидан фойдаланишдир.

Тракторлар ва қишлоқ хўжалиги машиналар таркиби қуйида 2.1
жадвалда келтирилган

2.1. жадвал

Машина –трактор паркининг таркиби

Т/р	Машиналар номи	Русуми	сони
1	Умумий ишларни бажарувчи трактор	Т-4А-01, ВТ-150	11
2	Чопиқ трактори	ТТЗ-80.11	31
3	Юк ташийдиган трактор	ТТЗ-80.10	18
4	Икки поғонали (ярусли)плуг	ПЯ-3-35	16
5	Минерал ўғит сочгич	РУМ-0.75	8
6	Пушта олгич	ГХ-4А	6
7	Култиваторлар	КХУ-4Б	31
8	Тирмалар	БЗТХ-1	96
9	Чизел култиватор	ЧКУ-4А	4
10	Мола	МВ-6А	12
11	Чигит экиш сеялкалари	СЧХ-4Б	28
12	Ер текислагич	ГН-4А	4
13	Ўўзапоя юлгич	КВ-3.6Б	12
14	Пуркагич	ОВХ-600	9
Жами			286

4. Машиналарни сақлашни ташкиллаштириш ва сақлаш технологияси

4.1 Машиналарни сақлаш усуллари ва жойлари

Қишлоқ хўжалиги техникасининг кўпчилиги ишларнинг тор ихтисослашганини ва мавсумий бўлгани учун йил давомида қисқа вақт (умумий вақтнинг 10-15 фоизи миқдорида) фойдаланилади. Трактор анча кўп вақт ишлайди. Лекин трактор ҳам йил давомида узок вақт ишлатилмай туради. Машиналар нотўғри сақланганда уларнинг табиий ейилиши (коррозия, чириш ва бошқа турдаги шикастланиш ва бузилишлар) анча тезлашади. Машиналар тўғри сақланганда улар дуруст ҳолатда сақланади, шикастланмайди ва бузилмайди. Эксплуатация даврида техник сервис ва таъмирлашда меҳнат ва маблағ сарфларининг қисқаришига ёрдам беради. Сақлаш тартиби ва техник шартлар ГОСТ 7751-78 “Қ/х да фойдаланиладиган техника. Сақлаш қоидалари” да белгиланган.

Қишлоқ хўжалиги муассасалари ва ташкилотларининг раҳбарлари, мутахассислари ва механизаторлар машиналарни сақлаш қоидаларини билиши ва уларга аниқ риоя қилишлари мажбурийдир. Машиналарни сақлаш қуйидаги ишлардан иборат:

- сақлаш жойларини танлаш ва тайёрлаш;
- машиналарни сақлашга тайёрлаш ва қўйиш;
- сақлаш даврида текшириш ва ТС ни ўтказиш;
- машиналарни сақлашдан олиш;
- машиналарни сақлашдаги хавфсизлик техникаси ва ёнғинга қарши чора-тадбирлар.

Дала ишлари даврида бирор сабабга кўра фойдаланилмаётган машиналарни қисқа вақт (10 кундан 2 ойгача) сақлаш ташкиллаштирилади.

Машиналарни сақлашнинг учта асосий усули бор: машиналарнинг конструктив хусусиятларига, табиий-иқлим шароитларига, зарур бинолар ёки очиқ майдончаларнинг бор-йўқлигига боғлиқ бўлган ёпиқ, очиқ ва аралаш сақлаш усуллари қўлланилади. Қабул қилинган сақлаш усулига қараб, машиналарни сақлашга тайёрлаш ишлари, сақлаш даврида ва сақлашдан олишда бажариладиган ишлар мазмуни аниқланади.

Ёпиқ сақлаш усули. Машиналар ва механизмларни саройда, гаражда, омборда сақлаш усули бошқа усулларга нисбатан сақлаш билан боғлиқ бўлган ишларни бажаришга меҳнат сарфини камайтиришга имкон беради. Машиналардан ечиб олинadиган агрегатлар, узеллар ва деталларни сақлаш учун зарур бўладиган омбор биноларини камайтиришга имкон беради. Бунда машиналар қор-ёмғирлардан, қуёш нуридан пухта сақланади, машиналар қисмларга ажратилмаган ҳолда сақланади. Лекин ёпиқ сақлаш усули бинолар қуришга кўп маблағ талаб этади.

Очиқ сақлаш усули. Тажрибаларнинг кўрсатишича, очиқ сақлашда майдончалар зарур ускуналар билан жиҳозланиб, машиналар сақлашга тўғри тайёрланса, уларнинг пухта сақланишига эришиш мумкин. Машиналарни сақлаш жойлари машиналарнинг конструкциясига, иш, ТС ва таъмирлаш жойидан узоқ-яқинлигига, шунингдек уларни ташиш билан боғлиқ бўлган харажатларнинг оз-кўплигига қараб танланади. Машиналарни сақлаш ҳовли-жойлари, марказий қишлоқдаги сақлаш жойлари ва ТС пунктлари таъмирлаш устахоналарига бевосита яқинда жойлаштирилади. Марказий қишлоқда ТС пунктида, бўлимлар ва бригадаларда сақланадиган машиналар рўйхати бош инженер томонидан белгиланади.


Машиналар сақланадиган очиқ майдончаларни қуриш учун намунавий лойиҳалар ишлаб чиқилган. Қаттиқ қопламали майдончалар йўқ бўлса, узун габаритли деталларнинг қийшайиб қолмаслиги учун оддий тагликлар ўрнига (булар чўкиши мумкин) бетон таянчлардан фойдаланиш керак. Ўт ўчириш сувларини сақлаш учун майдончаларда сифими 100 м³ ли темир-бетон резервуарлар қурилади, қумли яшиқлар ва ёнғинга қарши кураш асбоблари осилган тахталар ўрнатилади. Машинадан ечиб олинadиган агрегатлар, узеллар ва деталларни сақлаш омборлари қозонхонадан ёки умумий иситиш тизимидан фойдаланиб, иситилиши лозим.

Аралаш сақлаш усули. Бу усулда мураккаб ва қимматбаҳо машиналар, шунингдек резинатўқима, ёғоч ва осон шикастланadиган материаллардан тайёрланган деталлари бор бўлган машиналар ёпиқ биноларда сақланади, оддий машиналар (плуглар, тирмалар, шатаклагичлар ва бошқалар) эса очиқ майдончаларда сақланади. Очиқ ва ёпиқ усулларда сақланадиган машиналарнинг ўзаро нисбати маҳаллий иқлим шароитларига, ёпиқ биноларнинг ёки уларни қуриш учун керакли воситаларнинг бор-йўқлигига боғлиқ.

4.2 Машиналарни сақлашни ташкиллаштириш

Машиналарни сақлашни ташкиллаштириш ва уларнинг бутлигини таъминлаш фермерлар уюшмаси раҳбарларига ва бош инженерларга юклатилади. Фермер хўжаликларида, фермаларда, гаражларда эса, масъуллиқ бу ташкилотларнинг раҳбарларига юклатилади. Машиналарни машиналар ҳовлисида сақлашда масъуллиқ устахона мудирига юклатилади.

Машиналарни қисқа вақт сақлашга тайёрлаш ишлар тугагандан кейин, узоқ сақлашга тайёрлаш эса ишлар тугагандан кейин узоғи билан 10кундан кечиктирмай бошланиши лозим. Ўғит ва заҳарли кимёвий моддаларни сепиш машиналари ишлар тугаши билан сақлашга тайёрланади.



4.1 Қишлоқ хўжалиги техникаларига зағлашга қарши ишлов бериш жойи

Сақлашга қўйиш олдида машиналарнинг техник ҳолати текширилади ва навбатдаги ТС ўтказилади. Машиналар сақлаш даврида профилактик кўрикларни ўтказиш учун бир-биридан маълум оралиқларда турлари ва русумлари бўйича сақланиши лозим. Бир қатордаги машиналар ўртасидаги масофа камида 0,7 м, қаторлар ораси эса камида 6 м бўлиши лозим.

ДАЛОЛАТНОМА

№ _____

«-----» _____ 20 й.

Биз қуйидаги имзо чекувчилар шу ҳақида ушбу далолатномани туздикки,
сақлаш учун маъсул _____

(лавозими, ф.и.ш)

топширди, _____

(лавозими, ф.и.ш)

(машина номи, русуми, инвентарь номери)

_____ қабул қилиб олди.

Техник ҳолати _____

- _____ янги, таъмирдан чиққан, таъмирлаш лозим

техник хизмат ўтказиш керак ва ҳ.к.)

Машина қуйидаги ускуналар билан жиҳозланган:


Номи	Сони нечта
------	------------

Топширдим _____

(имзо)

Қабул қилдим _____

(имзо)



4.2 Машина саройининг бош режаси

Машина саройининг бош режаси: 1-қоровулхона; 2-қабулхона; 3-ҳисобот бўлими; 4-дам олиш хонаси; 5-ошхона; 6- омборхона; 7-ҳожатхона; 8- чиқиндилар жойи; 9-токарлик хонаси; 10-пайвандлаш хонаси; 11- вулканизация; 12- темирчилик устахонаси; 13-тракторларни сақлаш жойи; 14- кишлоқ хўжалиги техникаларини сақлаш жойи; 15-автомобилларни сақлаш жойи; 16-диспетчерлик хонаси; 17- ҳовуз; 18-таъмирлаш устахонаси; 19- техникаларни ювиш жойи; 20- мевали боғ учун ер майдони.

Таъмирлаш фонди ва таъмирланган машиналарни алоҳида-алоҳида сақлаш керак. Машиналарни сақлашга тайёрлаш ишларини ихтисослаштирилган звенолар ёки механизаторлар сақлаш учун масъул шахс (бригадир, механик, созловчи-уста, машина ҳовлисининг мудир) бошчилигида бажаради. Машиналарни сақлашга қўйиш ва сақлашдан олиш қабул қилиш-топшириш далолатномалари билан ёки махсус журналга машиналарнинг ҳолатини ёзиб, расмийлаштирилади.

Машиналардан ечиб олинган агрегатлар, узеллар, деталлар, асбоб ва мосламалар омборларда сақланадиган бўлса, уларнинг тўлиқ рўйхати тузилади ва бу рўйхат қабул қилиш-топшириш далолатномасига қўшилади. Агрегатлар, узеллар, деталлар, асбоб ва мосламаларга ёки булар сақланадиган яшикларга машинанинг русуми ва хўжалик рақами ёзилган тахтачалар бириктириб қўйилади.

Таъмирлашни кутаётган машина қисқа вақт сақлаш учун белгиланган талабларга мувофиқ сақланиши лозим. Бунда машиналарнинг қартерлари ва ёнилғи баклари қуруқ ҳолда сақланиши рухсат этилади. “Қартердаги мой тўкилган” деб ёзилган тахтача осиб қўйилади. Машиналар таъмирни икки ойдан ортиқ вақт кутадиган бўлса, у ҳолда машинани узоқ сақлаш қоидаларига мувофиқ тайёрлаш ва сақлаш зарур.

Ишламаётган даврда машиналарни сақлашга қўйиш ихтисослаштирилган хизмати қўшимча равишда қуйидаги ишларни бажариши мумкин.

1. Муқобил МТПга келтирилган янги машиналарни қабул қилиш, йиғиш, ростлаш ва сақлаш.

2. Машиналарни агрегатларга қўшиш.

3. Номураккаб машиналарни мавсумдан кейинги техник сервисдан ўтказиш ва таъмирлаш.

4. Рўйхатдан чиқарилган машиналарни харидга қўйиш.

5. Машиналарни сақлаш технологияси

Қисқа вақт сақлашда машиналар, улардан деталларни ечмасдан, бут ҳолатда ўрнатилади. Машиналарни сақлашга қўйишдан аввал ТС ўтказилади, ёнилғи тизими ёнилғига тўлатилади. Совуқ кунларда совитиш системасидаги сув тўкилади. Пневматик ғилдиракли машиналар 10 кунгача сақланадиган бўлса, шиналардаги ҳаво босими катталаштирилади, 10 кундан ортиқ сақланганда тагликлар қўйилади ва шиналардаги босим нормалдагига нисбатан 70-80 фоизгача пасайтирилади. Тагликларга қўйилган машиналарда тирқиш камида 8-10 см бўлиши лозим, тешиklar эса беркитилади.

Машиналарни узоқ вақт сақлашда қуйидаги ишлар бажарилади:

- техник сервис - тозалаш, ювиш, мойни алмаштириш ва подшипникларни мойлаш;
- машинадан агрегатлар ва деталлар ечиб олинади;
- тешиklar беркитилади;
- машина тагликларга ўрнатилади;
- ҳимоя мойи суркалади, сири кўчган жойлар бўялади.

Машинадан ечиб олинган резина ва резинатўқима деталларни қоронғи, иситиладиган ва яхши шамоллатиладиган биноларда сақлаш керак.

Аккумуляторлар батареялари шамоллатиладиган салқин бинода сақланади.

4.4 Машиналарни сақлаш даврида текшириш ва техник сервис

Машиналарнинг очик майдонларда тўғри сақланаётгани ҳар ойда камида бир марта, ёпиқ биноларда эса ҳар икки ойда текширилади. Машиналарнинг тўғри ўрнатилганлиги, барқарорлиги, оғиб қолмаганлиги, бутлиги, шиналардаги ҳаво босими, мойнинг сизмаётганлиги, пухта зич ёпилганлиги текширилади. Машиналардан олинган агрегатлар, қисмлар ва деталларнинг тўғри сақланаётганлиги вақт-вақти билан текширилади, бунда резина ва тўқима деталлар ҳар 2-3 ойда текшириб турилади. Аккумуляторлар ойда бир марта текширилади. Машиналарни сақлашга қўйиш ва сақлашдан олиш далолатнома билан расмийлаштирилади.

4.5 Машиналарни сақлашни материал техник базаси.

Машиналар ховлиси ремонт хизмат қилиш базасининг элементи бўлиб, МТП ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхонасининг марказий ер майдонида жойлашган у ерда техникаларни сақлаш ва ундан айрим қисмларни ечиб олиш, янгисини йиғиш эскирган техникани қисмларга ажратиш ва дефектовка қилиш машина – трактор агрегатини ростлаш ва комплектлаш, оддий қишлоқ хўжалиги машиналарини таъмирлаш учун мўлжаллангандир. Машиналар ховлиси қишлоқ хўжалиги корхонасининг марказий ер майдонида жойлаштирилади. У қишлоқ хўжалиги техникаларни ва автомобилларни ТХК ва таъмирлаш ҳамда машиналарни сменалар орасида туриш жойидан ажратиб чегараланган бўлиши керак. Машиналар ховлиси ГОСТ 7781 – 85 ва типовой лойихалар талабига 816 – 01 114.87 хўжаликларнинг марказий ер майдонидан машиналар ховлиси ГОСТ 7785 -85 25, 50 ва ундан ортиқ тракторлар учун мўлжалланган парklar ҳамда қишлоқ хўжалиги корхонасидаги техникалар сони ва улардан фойдаланиш шароитлари назарга олинган ҳолларда лойихаланади. Машиналар ховлиси эга бўлиши керак. Техникани сақлаш учун ости қаттиқ қопланган ёки профилланган майбонларга ва хоналарга (гараж, сарой, усти ёпқ майдон) қишлоқ хўжалиги техникасини консервациялаш потига (пунктига)- машина ва агрегатларни жамлаш, ростлаш ҳамда созлаш майдонларига, юк кўтариш механизмлари билан жихозланган юклаш - тушириш майдонига, машиналадан ечиб олинган

қисмларни сақлаш учун омборга, хисобдан чиқарилган техникаларни қисмларга ажратиш ва дефектовка қилиш майдониға, ёнғинга қарши жихоз ва инвентарларга ёнғинга қарши шитлар қум солинган идишлар, резервуарлар ва бошқалар, тозалаш ва ситртқи ювиш майдонларига МТП ва бошқа агросаноат мажмуаси машиналар ховлиси жихоз ва технологик ўрнатмалар табелга асосланган холда машиналар ховлиси объектлари технологик жихозлар билан жихозланади. Тозалаш ва ташқи ювиш участкаси машиналар ховлисиға кириш жойига (машиналар ховлисидан ташқарида) ўрнатиладива айланма сув таъминотиға эға бўлади. Консервациялаш хоналар катта габарит ўлчамлардагитехникаларга ТХК ни таъминлаш керак. Консервациялаш постининг иш жойлари техникани сақлашға қўйиш учун бажариладиган барча технологик операцияларда жихозларға ҳамда слесарлик ва қисмларға ажратиш, йиғиш ишларида фойдаланиладиган қуроллар билан таъминланган бўлиши керак. Ечиб олинган йиғма қисмларни сақлаш омбори консервациялаш пости олдида жойлашган бўлиб, у машина қисмларини сақлаш учун тагликлар билан жихозланган бўлиши керак. Аккумуляторларни сақлаш учун алохида омборлар бўлиб, сўриш вентиляциси ва электр юриткичлар билан жихозланган бўлиши керак. Ёпиқ сақлаш жойлари ва бостирмалар катта габаритли қишлоқ хўжалиги машиналари кириб чиқишигача мослаштирилган, сақланадиган машиналарни атмосфера ёнғингарчиликларидан химоялашға мослаштирилган бўлиши керак. Ёпиқ сақлаш жойлари ва навесларда сақланганда қаторлардаги машина орасидаги масофа 0,7 м, қаторлар орасидаги минимал масофа 1 м бўлиши керак. Ростлаш, созлаш ва агрегатларни комплектлаш майдонлари машиналар ховлисидан чиқаверишда жойлашган бўлади: у техник юзаға керакли чизиқларға, жихозларға, мосламаларға ва андозаларға эға бўлиши керак. Машиналар ховлиси чегаралари бўйича тўсилган, кўкаламзорлаштирилган, электр энергияси ҳамда сув билан таъминланган бўлиши керак, қишлоқ хўжалиги техникаларини очик холда сақлаш майдончаси, унинг хисобига оид умумий тушунчалар.

Машиналарни ховлисини очик ҳолдаги сақлаш майдонга текис, сув олиб келиши каналларига 2 – 3⁰ қияликда жойлаштирилиши керак. Очик сақлаш майдонлари ўлчамлари машиналарнинг сони ва габарити ўлчамларига қараб аниқланади. Машиналарни гуруҳга, турига ва тамғасига қараб белгиланган жойларга қўйилади, бунда машиналар орасидаги интервал 0,7 м дан кам бўлмаслиги ва қаторлар орасидаги масфа 6м дан кам бўлмаслиги керак. Қаторлар эни машиналарнинг габарити ва қўйиш усулига боғлиқдир, қондси бўйича агарда бир хил машиналар қўйилса қаторлар эни 2 – 3 метр, агарда икки қаторли бўлса, 4...6 м гача бўлади. Қаттиқ юзага эга очик майдонлар ўлчамини қўйидаги формула орқали топилади.

$$F = \left(1 + \frac{\delta}{100}\right) \cdot (1 + K_{ch}) \cdot F_1 + F_a + F_3 \quad (4.1)$$

Бу ерда; F_1 - очик майдонларда сақланадиган машиналардан иборат ўлчамларини ҳисобга олувчи майдон юзаси м² δ - резервуардаги майдон юзаси (5% гача қабул қилиш тавсия этилади.) K_{cp} – машиналар жойлаштирилган майдонлар полосаларини ўртача фойдаланиш коэффиценти (0,62.....0, 98 гача қабул қилинади), F_a – машиналар қатори орасидаги ҳаракатланиш майдон юзаси м³ F_3 кўкаламзор ва чегара полосалари майдони юзаси м².

$$F_1 = \sum_{i=1}^n \ell_i b_i \quad (4.2)$$

Бу ерда. ℓ_i – машиналар узунлиги, м.

b_i - машиналар эни.

Машиналарни сақлашга қўйиладиган майдон узунлиги S қўйидагича аниқланади.

$$S = \sqrt{\frac{(1 + \frac{\delta}{100})(1 + \kappa_{cp} + F_1)}{\alpha}}, \quad (4.3)$$

Бу ерда, α - майдон юзасининг эни ва узунлиги бир бирига мос келиши (2 : 3) қилиб олинади. Машиналарни қўйишдаги майдон юзаси эни ва бошқа кўрсаткичлари ҳам шу тарик формулалар ёрдамида аниқланади.

4.6 Машиналарни сақлашда уларга кўрсатиладиган техник ва технологик хизматлар.

Технологик хизмат кўрсатиш машиналарни сақлашга қўйиш ва сақлашдан олиш вақтида бажариладиган хизматлардир, сақлаш вақтида қўйидаги ГОСТ 7751- 85 талаблари бўйича техник техник хизмат кўрсатилади. Машиналарни узоқ муддатга сақлашга қўйишда кўрсатиладиган технологик хизматлар ўз ичига машиналарни тозадаш ва ювиш ажратилган сақлаш майдонларига олиб боришини айрим қисмларни машиналардан ечиб сақлашга топшириш, машинани таг қисмлар ёки тираб турувчи мосламаларга қўйиш.

Машинани сақлашга қўйишдан олдин уни мой оқишдан чангдан усимлик қолдиқларидан химиявий молладардан тозаланилади. Сув тегиши бўлмаган айрим қисмлар (генератор, юргизиб юбориш двигватели, магнетоси, реле- регулятори,) ғилофлар билан химояланади. Машинани тозалаб ювиб бўлгандан сўнг уни нами қолмаслиги учун пуркаб чиқилади. Машинанинг аккумулятор батареясини омборда сақланади, ишлатилганлари эса электролит сатхини текшириб , керакли мейёрда электролит солиинб зарядлаш учун қўйилади. Аккумуляторлар асосан вентиляторли хоналарда сақланади. Ёпиқ хоналарда ёки навеслар тагида сақланадиган машиналар тагига тагликлар қўйлиши керак. Шиналар юзасини химояловчи модда билан қопланиши керак. Очик ва ёпиқ ҳлодаги сақлашда шиналар босими нормадагидан кам бўлиши лозим. Металдан тайёрланган ишчи органлари, узеллари, гидроцилинр штоги,

шлицали бирикмалар, кардан узатмаси, занжирли узатма юлдузчалари, резибали ҳамда ташқи таъсирида юзалари консервация қилинади.

Осма ва ярим осма машиналар махсус тагликларга ўрнатилиб бу тагликлар сақлаш даврида мустахкам ва машиналарни отига қўйишга қулай бўлиши керак. Ёпиқ хоналарда сақлаш вақтида машиналар ҳолатини ҳар 2 ойда бир маротаба очиқ майдонлар ва навеслар остида ҳар ойда текширилади.

Кучли шамол ёмғир ва қорлардан кейин машиналарни текшириб мавжуд носозликларни тез орада олди олинади.

